O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 27 ноябрь, № 231 (4894) Жума

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ – ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

***Бугун ким билан суҳбатлашманг, гап мавзуси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига бориб тақалади. Аслида бунинг ажабланарли томони йўқ. Нега деганда, молиявий таназзулнинг кўлами пасаймай, унинг салбий оқибатлари дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодиётида, охир-оқибат аҳолисининг ижтимоий ҳаётида ўз аксини топаётир.***

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Шукрки, юртимизда инқирозга қарши олиб борилаётган изчил чоралар туфайли барқарор иқтисодий ривожланиш жараёни кечмоқда. Буни иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган енгил саноат мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Қулай ишбилармонлик муҳитининг сақлаб турилгани, янги қувватларнинг фойдаланишга топширилаётгани ва мавжудларида ишлаб чиқариш замонавийлаштирилаётгани бунда муҳим омил бўлаётир. Жорий йилнинг тўққиз ойида 71 та янги объектнинг ишга туширилгани сўзимиз исботидир. Қувонарлиси, бу ерда тайёрланаётган турфа маҳсулотлар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишида, эътироф этиш керак, пойтахтимиздаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Ramel Tekstil" хорижий корхонаси жамоасининг ҳам муносиб улуши бор. Нега деганда, мазкур корхона маҳсулотларининг 90-95 фоизи экспортга

(Давоми 2-бетда).



# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сиз ва Ўзбекистон халқи муборак Қурбон ҳайитини нишонлаётган ушбу кунда Америка халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаётган энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Муқаддас анъаналардан келиб чиқиб, умид қиламанки, биз бутун дунёда эркинлик ва тинчликка эришиш йўлидаги ҳамкорлигимизни давом эттираверамиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат ҳамда равнақ тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

**Барак Обама,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

Шу жумладан:
Кувайт Давлати Амири
**Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ;**

Уммон Султони **Қобус бин Саид;**

Иордания Подшоҳи
**Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

Яман Республикаси Президенти
**Али Абдуллоҳ Солиҳ;**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти
**Ҳомед Карзай;**

Тожикистон Республикаси Президенти
**Имомали Раҳмон;**

Озарбойжон Республикаси Президенти
**Илҳом Алиев;**

Бошқирдистон Республикаси Президенти
**Муртазо Раҳимов** ва МДҲ Динлараро кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси **Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода** томонидан йўлланган табрикларда қодир Аллоҳдан давлатимиз раҳбарига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Табриклар келиши давом этмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,
Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари,

Сизни ва юртдошларимизни улуғ айём — Қурбон ҳайити билан ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан динимиз арконларини эмин-эркин бажо келтириш учун барча шароитлар, хусусан, Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган фуқароларимиз учун яратиб берилаётган қулай имкониятларни Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз намунаси, деб биламиз.

Мустақиллик йилларида миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш, юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар қадамжоларини обод этиб, уларга янгича салобат бахш этиш борасида амалга оширилган эзгу ва хайрли ишлар халқимизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара каби муқаддас заминларда туриб, Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз ҳамиша омон, элимиз тинч, турмушимиз янада фаровон бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Сизга, муҳтарам Президент жаноблари, Аллоҳ таолодан мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва гўзал диёримизни ҳамиша ўз паноҳида асрашини сўраб, дуолар қилиб қоламиз.

**Ўзбекистон ҳожилари номидан**
**муфтий** **У. АЛИМОВ**

**Макка шаҳри, Арафот водийси,**
**2009 йил 26 ноябрь**

## «Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор!»

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, том маънодаги ҳал қилувчи кучга айланиши борасида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади.*

## БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ФОРУМ

"Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор!" ҳафталиги доирасида пойтахтимизда бошланган «Болаликдан улғайиш сари: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий иш, ижтимоий интеграция» мавзуидаги халқаро форумда бу йўналишдаги долзарб масалалар атрофлича таҳлил этилиб, истиқболдаги чора-тадбирлар белгилаб олинди. Форум Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

(Давоми 4-бетда).

## МАДАНИЙ МЕРОС ОБИДАЛАРИ

### халқимизнинг бойлиги, улар давлат муҳофазасига олинган



***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. "Маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритишнинг ҳуқуқий асослари" мавзуидаги ушбу тадбирда депутатлар ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Маълумки, мамлакатимизда маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги ва "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган низом асосида тартибга солиб келинмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш ҳамда маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан 7570 та маданий мерос, шу жумладан, 2330 та меъморчилик объекти, 3945 та археология, 1138 та монументал санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорлиги, 157 та диққатга сазовор жойлар давлат кадастри рўйхатига киритилган. Табиийки, буларнинг барчаси айни пайтда давлат муҳофазасидадир. Шу ўринда кейинги йилларда кадастрлаш ишлари кўлами ортиб бораётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Шунингдек, йиғилишда соҳага мутасадди бўлган идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш ҳамда маданий мерос объектлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган тизимини яратиш бўйича фойдали таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



## Истиқболли лойиҳа – амалиётга

***«Экосан» халқаро хайрия жамғармасининг ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН бўлими томонидан "Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш" лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилди.***

Умумий қиймати 53 миллион сўмлик мазкур лойиҳага кўра, Тўрткўл туманидаги "Кўҳна Тўрткўл" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида узунлиги 2,5 километр ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Натижада 1500 нафар аҳоли истиқомат қилаётган мазкур қишлоқ хонадонлари зилол сув билан тўла-тўкис таъминланди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳурлигимиз тимсоли

***Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни кенг нишонлашга пухта ҳозирлик кўрилаётир.***

НАВОИЙ вилоятида ҳам Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 17 йиллиги олдидан бир қатор учрашувлар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Пойтахтдан ташриф буюрган зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлардан иборат ижодий гуруҳ иштирокида жойларда бўлиб ўтаётган учрашувлар барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Навоий давлат кончилик институти талабалари ҳузурида бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

## Қишлоқ инфратузилмаси ривожланмоқда

***Жорий йилда ОЛТИАРИҚ тумани қишлоқларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадлари учун бир миллиард олти юз етмиш беш минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилиши кўзда тутилган эди.***

Ана шу маблағ чекка ҳудудларда соғлиқни сақлаш, халқ таълими, қурилиш, маданий-маиший хизмат ва кичик бизнесни ривожлантиришга, янги иш ўринлари яратишга йўналтирилгани натижасида 106 та микрофирма ва кичик корхона ташкил этилди. Шу билан бирга, ўнлаб мактаб ва коллежлар, гузар ва савдо марказлари, гўзаллик салонлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Буларнинг бари вилоятда 2009 йилнинг 9 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 36,7 фоизга, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ҳажми эса 29,5 фоизга ўсишини таъминлади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Ўқув дарсликлари кўргазмаси

***БУХОРО шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, "Ўзкитобсавдо" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ўқув дарсликлари кўргазмаси ташкил этилди.***

Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ўнга яқин йирик нашриётлар томонидан чоп этилган 396 номдаги дарслик, ўқув қўлланмалари, бадиий ва ҳуқуқий адабиётлар намойиш этилмоқда.

Бир ой давом этадиган ушбу кўргазма педагоглар, ўқувчи ёшлар ҳамда кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

***2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар ошиб, жами***
**1534,4** **миллион долларни ташкил этди.**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республикамизда қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши соҳада ана шундай ижобий кўрсаткичга эришиш имконини берди.



Биз ва дунё

## Ҳиндистон матбуотида Ўзбекистоннинг маънавий юксалиши мавзуси

*Жамму ва Кашмир штатларининг инглиз тилида чоп этиладиган оммавий "Greater Kashmir" нашри саҳифаларида Кашмир университети ҳузуридаги Марказий Осиё тадқиқот маркази профессори Муштак Коунинг "Самарқанд ва Бухоро: Кашмирдан назар" мақоласи эълон қилинди.*

Олим ўз мақоласида Ўзбекистоннинг маънавий-маданий тикланиши ва тараққиёти ҳақида сўз юритади.

"Ўзбекистон — Имом ал-Бухорий ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муқаддас ўлкаси, санъат, маданият ва қадимий цивилизациянинг машҳур маркази, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий каби буюк аллома ва арбоблар ватани", деб ёзади Муштак Коу.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси олдидан

***Шу кунларда мамлакатимиз парламенти юқори палатасида йигирманчи ялпи мажлисга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Юқори палатанинг Бюджет ва иқтисодийислоҳотлар масалалари қўмитаси ҳам ушбу нуфузли анжуманда сенаторлар муҳокамасига бир қатор муҳим ҳужжатларни ҳавола этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети ана шулар жумласидандир. Мухбиримизнинг мазкур қўмита аъзоси Абдурашид АЛТИЕВ билан қилган суҳбати мамлакатимиз асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети параметрлари хусусида бўлди.***

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ

— Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни мантиқий жиҳатдан давом эттириш мақсадида ишлаб чиқилган, — дейди Абдурашид Султонович. — Хусусан, давлатимизнинг бош молиявий ҳужжатида Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва ривожланишини таъминлашга доир аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилаётир. Айни пайтда таркибий ўзгартиришларни давом эттириш, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқ ва корхоналарини техник ва технологик янгилаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, қишлоқ турмуш сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишларни бажаришнинг молиявий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб берилаётир.

**— Келаси йил учун ишлаб чиқилган "Бюджетнома"га биноан солиқ тизимимизда қандай ўзгаришлар кўзда тутилмоқда?**

— Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифаларига мувофиқ, 2010 йил учун солиқ сиёсатини белгилашда хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини янада енгиллаштиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, фуқаролар даромадларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг харид қобилиятини оширишга, солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, юридик шахслар даромадидан олинадиган фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга камайтирилиши кўзда тутилмоқда. Натижада хўжалик юритувчи субъектлар фойда солиғидан тежалган 52 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини янада мустаҳкамлашга сарфлаш имкони пайдо бўлади. Бунда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинмоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг жадал ривожланишини рағбатлантирадиган солиқ енгилликлари ҳам кўзда тутилаётир. Чунончи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги ставкасини 7 фоиз миқдорида белгилаш таклиф қилинаяпти.

Шу ўринда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган фойда солиғи ставкаларидаги ўзгаришлар хусусида ҳам ахборот бериш мақсадга мувофиқдир. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкасини солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасайтириш назарда тутилмоқда. Қолаверса, фуқаролар томонидан олий ўқув юртида ўқиш учун тўланадиган (ўзининг ёки 26 ёшгача бўлган фарзандининг ўқиши учун), шунингдек, Халқ банкидаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий ўтказиладиган маблағларни ҳам солиқ солинадиган базадан чиқариш кўзда тутилаётир.

**— 2010 йил учун бюджет сиёсатининг асосий жиҳатлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

— Келгуси йил Давлат бюджети параметрларида ижтимоий соҳа устуворлигига алоҳида урғу берилган. Бюджет харажатларида бу соҳага йўналтирилган маблағлар янада кўпаяётир. Чунончи, 2009 йилда соҳа харажатлари 55,6 фоизни ташкил этган бўлса, келгуси йилда бу кўрсаткич 59,1 фоизга етказилмоқда. Бунда соғлиқни сақлаш, таълим тизими, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича харажатларни кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларни ошириш назарда тутилган.

**— Абдурашид Султонович, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун харажатлар 2010 йилги Давлат бюджетида қандай йўналишларда бўлиши кутилмоқда?**

— Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури ижросини изчил таъминлашнинг аҳамияти беқиёс. Шу боисдан мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқ ва корхоналарини модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар назарда тутилмоқда. Бунда бюджет маблағлари билан бир қаторда, имтиёзли хориж инвестициясини жалб қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш белгиланмоқда.

Шунингдек, Давлат бюджети параметрларида қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш мақсадида манзилли маблағлар йўналтирилмоқда. Жумладан, 2010 йилда сув хўжалиги иншоотларини сақлаш, ишлатиш ва уларни доимий ишга тайёр ҳолатда сақлаш тадбирлари учун Давлат бюджетидан 817,6 млрд. сўм, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан 2010 йилда 150 млрд. сўм маблағ ажратилиши кутилаётир. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг етарли миқдорда сув билан таъминланишига замин яратади.

**— Маълумки, 2009 йил 22 январда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинганди. Ушбу ҳужжат ижросининг молиявий манбалари "Бюджетнома"да ўз аксини топганми?**

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори шаҳар ва аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини янада шакллантириш, уларни ободонлаштиришни тубдан яхшилаш, ободонлаштириш бошқармаларини замонавий махсус транспорт ва механизация воситалари билан жиҳозлаш, шунингдек, банд бўлмаган аҳолини ободонлаштириш ишларига жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рағбатлантириш мақсадини кўзлайди. Унда мазкур тадбирларни молиялаштиришнинг манбалари ҳам кўрсатиб ўтилган. Хусусан, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича прогноз тушумларининг 50 фоизи, автотранспорт тўхташ жойи бўйича пуллик хизмат кўрсатишдан олинган йиғим тўлалигича, шунингдек, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳамда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газдан фойдаланганлик учун жисмоний шахслардан олинадиган солиқ бўйича прогноздан ортиқча тушумлар ушбу мақсадларга сарфланади. Қолаверса, хайрия (ҳомийлик) ёрдамлари ҳам жалб этилиши мумкин. Умуман, ушбу қарор ижроси доирасида, 2009 — 2011 йилларда 691 дона транспорт воситаси харид қилинади. Шунингдек, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни капитал таъмирлаш, инфратузилмани яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Қолаверса, маҳаллий бюджет даромадларини мустаҳкамлаш ҳисобига ҳам мазкур турдаги харажатларни қоплаш кўзда тутилаётир. Чунончи, 2010 йилда маҳаллий ҳокимиятларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги ўрни, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш мақсадида республика бюджетига тушиши лозим бўлган 3 турдаги солиқ тушумларини тўлиғича маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш мўлжалланмоқда. Бу билан ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлаш, капитал қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кенгайтириш белгиланмоқда. Умуман, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадлар базасининг сезиларли даражада оширилиши уларнинг республика бюджетига боғлиқлигининг камайишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг миқёсли ислоҳотларнинг давомийлигини, изчиллигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Унинг мақсадли ва қонуний ижро этилиши мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Қобил ХИДИРОВ**
**суҳбатлашди.**

# КОНСТИТУЦИЯ ВА САЙЛОВ

***Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг бош мезони инсон ҳуқуқларини олий қадрият деб эътироф этиш ва уларни таъминлашдан иборат. Аслида фуқароларнинг бевосита давлат ҳокимиятининг ягона манбаи деб тан олинишининг ўзи инсон ҳуқуқларини таъминлаш демакдир. Бу эса, энг аввало, зарур ҳуқуқий шароитларни тақозо этади. Сайлов қонунчилиги эса ушбу хайрли тадбирларнинг муҳим қоидасидир.***





**Мушоҳада**

Чунки айнан сайлов қонунчилиги асосида ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўз вакилини сайлаш ва шу орқали ўзи яшаб келаётган давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларида ўз аксини топган. Чунончи, Конституцияда Ўзбекистон Республикасида «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи» эканлиги (7-модда) ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши (9-модда) белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари Конституциянинг 32, 117-моддаларида алоҳида мустаҳкамланган. Хусусан, 32-моддага кўра, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади». 117-моддага мувофиқ эса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Бинобарин, сайлов тизими ҳуқуқий асосларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилиги ҳужжатларида белгиланганлиги, энг аввало, сайлов жараёнларининг демократик тамойиллар асосида адолатли, холисона, очиқ ва ошкора ўтказилишига хизмат қилади. Қолаверса, сайлов жараёнларининг фаол иштирокчиси ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини кафолатлайди, шунингдек, сиёсий партиялар мақсад ва вазифаларининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, сайлов ҳуқуқи соҳасига таалluқли принциплар ва андозалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қанча халқаро универсал ҳужжатларида, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг (1948 йил) 21-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (1966 йил) 25-моддасида, Сайловларни халқаро кузатиш принциплари тўғрисидаги Декларация (2005 йил) қоидаларида ўз аксини топган. Уларнинг мазмун-моҳияти мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигига тўла сингдирилган. Мазкур ҳолат эса юртимиз давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тизимини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуида мустаҳкамлаб қўйилганлигини кузатиш мумкин. Бу эса Асосий Қонунимиз билан мустаҳкамланган сайловларнинг даврийлиги ва мажбурийлиги, адолатлилиги ва эркинлиги, уларни умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказишнинг асосий принциплари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига, демократик анъаналарга асосланганлигидан далолат беради. Зеро, сайловлар халқ иродасини бевосита амалга оширишнинг қонунлаштирилган шаклини ўзида акс эттиради.

Бундан ташқари, сайловлар бевосита сиёсий тизимни намоён этади ва унга таъсир кўрсатади. Сайловлар фуқароларга ҳокимият учун курашаётган сиёсий партиялар дастурларининг мазмун-моҳиятини англашга имкон яратади. Улар орқали демократик ҳокимият шакллантирилади. Сиёсий партиялар худди ана шундай кўпчиликнинг манфаатини шакллантиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Конституция ва миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топган сайловларни ўтказишнинг асосий принциплари фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этишларида, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишида устувор қоидалар сифатида хизмат қилади. Демократик сайлов тизимининг яратилиши эса мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган сайлов ўтказишнинг асосий принциплари фуқароларнинг сайлов орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишларига, хусусан, у орқали мамлакатнинг эртанги кунига дахлдор энг муҳим масалаларни ҳал қилишда бевосита қатнашишлари учун имконият яратилишига хизмат қилади. Бу эса, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлигининг ёрқин ифодасидир.

**Н. НОРМАТОВ,**
**юридик фанлари номзоди.**

## Ҳиндистон матбуотида Ўзбекистоннинг маънавий юксалиши мавзуси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳиндистонлик олим Ўзбекистоннинг бой маънавий-маданий меросини тиклаш борасида мамлакатда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга урғу беради. "Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзбек халқининг миллий мероси, урф-одати ва анъаналари ҳақидаги билимларни ўрганиш ва кенг жорий этишга, ислом динининг бағрикенглик ва маърифатпарварлик ғояларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда", дея таъкидлайди муаллиф.

Унинг фикрича, "ўзбек халқининг маънавий қудрати, унинг қадимий анъаналарга бўлган эҳтироми ва аждодлар хотирасини нечоғли қадрлаши мамлакатнинг дини ва урф-одатлари ўн йиллар давомида собиқ совет ҳукумати зулми остидаги, қандай қилиб бўлса ҳам инсонларнинг эътиқод ва маънавиятини йўқ қилишдан иборат бўлган давр ёдга олинганда, янада ёрқинроқ намоён бўлади".

Ўзбекистоннинг маънавий ва диний меросини тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолар экан, профессор Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатда бошқа кўплаб диний қадамжолар билан бирга, Самарқандда Имом ал-Бухорий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари қайта тикланганини мамнуният билан қайд этади. Шу ўринда унинг таъкидлашича, аҳолининг кўпчилик қисми ислом динига эътиқод қилувчи Ўзбекистонда кўплаб масжидлар мавжуд ва мусулмонлар эркин равишда диний маросимларни ўтказишади.

"Бухородаги Масжиди Калон, Самарқанддаги Бибихоним масжиди ва Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуаси каби тарихий-маданий ёдгорликлар ислом меъморчилигининг ҳақиқий дурдоналари ҳисобланади", дейди Муштак Коу.

"Улуғвор равоқ ва ўйма нақшли нозик безаклар ишланган, олд кўриниши ўзига маҳлиё этадиган Ўзбекистон мадрасалари кўркамлиги билан ушбу ажойиб мамлакатга келаётган минглаб сайёҳларни ҳайратга солади. Бухородаги анъанавий диний таълим билан бир қаторда, талабалар ҳозирда тўлиқ замонавий билим ва тарбия олаётган Мир Араб мадрасаси бутун дунёда машҳур", дея ёзади ҳиндистонлик олим.

**Бобур СОБИРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ – ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



йўналтирилган бўлиб, жумладан, 2009 йилнинг январь-сентябрь ойларида 700 минг АҚШ долларилик маҳсулот чет эллик харидорларга етказиб берилди.

Жамият ўз фаолиятини 2005 йилда бошлаган. У йилига 250 минг дона патли халат ва бу турдаги кийим-кечак ҳамда сочиқлар учун 350 тонна махсус мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунга қадар жалб этилган 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестициясининг асосий қисми корхона цехларини замонавий тўқув дастгоҳлари ва бичиш-тикиш ускуналари билан жиҳозлашга йўналтирилгани сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон бераяпти. Айни пайтда бу ерда меҳнат қилаётган 100 га яқин хотин-қиз Германия, Швейцария, Япония, Италия давлатларидан келтирилган ускуналар ёрдамида юқори сифатли мато тўқиб, ундан турли-туман харидоргир маҳсулотлар тайёрлашмоқда.

— Эътибор қилган бўлсангиз, корхонамизда, асосан, ҳаммом учун халат ва сочиқлар ишлаб чиқарилади, — дейди хорижий корхона бош директори Эрсин Картал. — Бундай маҳсулотларга қўйиладиган асосий талаб шуки, улар табиий ва юқори сифатли матодан тайёрланган бўлиши керак. Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, биз учун ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Чунки Ўзбекистон заминида етиштирилган пахтадан дунё стандартлари талаблари даражасидаги тола олиниб, ундан саноатбоп калава ип тайёрланаяпти. Улар асосида тикилган маҳсулот эса ташқи бозорда, албатта, харидоргир бўлади-да.

Корхонанинг тўқув цехида иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, мато тўқиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган. Бу ерда мижоз талабидан келиб чиқиб, турли рангдаги ва рангсиз патли мато тўқилади. Сўнгра улар чеварлар маҳорати билан замонавий дизайндаги халатлар, турли бичимдаги сочиқларга айланади. Тикув цехи бошлиғи Гулчеҳра Хандиеванинг айтишича, кунига 700 та халат, 3,5 мингтадан ортиқ сочиқлар тикилади.

Айни кунларда корхона таъсисчилари фаолият кўламини янада кенгайтиришни режалаштиришмоқда. Шу мақсадда қўшимча бино қуриш ишлари бошлаб юборилган, замонавий тўқув ва тикув ускуналари сотиб олиш бўйича музокаралар олиб борилаяпти. Устувор режага кўра, бу ишлар 2010 йилнинг биринчи ярмида тугалланиб, 60 та янги иш ўрни очилиши кутилмоқда. Ана шунда ишлаб чиқариш суръати, экспорт ҳажми кескин ортади. Зотан, сифатли маҳсулот ҳеч қачон харидорини кутиб қолмайди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.
**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган суратлар.**

# Ҳурлигимиз тимсоли

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, академик С. Ғуломов, мазкур институт ректори, профессор Х. Иброҳимов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ва бошқалар юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, Конституциямизнинг ҳаётимиз фаровонлиги, юртимиз келажагини таъминлашдаги ўрни хусусида тўхталдилар.

Конституциямиз Ватанимиз истиқлоли, ҳурлигимиз тимсолидир. Унда шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари ўз аксини топган. Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдиришда бундай тадбирлар катта ўрин тутади.

Тадбирда Ватан, истиқлол, тинчлик, эзгулик ҳамда ҳамжиҳатликни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлар янгради.

Конституция байрамига бағишланган бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

**Ёркул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# ФАРОВОН ТУРМУШ ЯРАТУВЧИЛАРИ

***Тўхтамиш Маҳмудов номли маҳалла — Қумқўрғон туманидаги энг обод манзиллардан бири. Бу ердаги 500 дан зиёд хонадонда 2235 нафар аҳоли истиқомат қилади.***

Ҳар уч хонадоннинг бирида енгил автомашина бор. Уйларнинг шифти баланд. Айвонлари ойнаванд. Табиий газ, тоза ичимлик суви сероб. Одамлари ўзаро аҳил, меҳнатсевар, замонавий таъбир билан айтганда, тадбиркор. Хонадонлар фаровонлигининг асосий манбаи ҳам шу — тадбиркорликдан.

Албатта, иш билган инсоннинг юмуши тез ва осон битади. Бир мисол: қишлоқда яшовчи Юсуф Йўлдошев — ёш оила бошлиғи, тадбиркор йигит. У бундан беш-олти йил аввал 200 бош новвосга мўлжалланган оғилхона қурганида, кўпчилик ажабланганди. Ахир шунча қорамолни парваришлашнинг ўзи бўладими?! Юсуф эса иккиланмади. Ишлади, изланди. Даставвал ўнта чорвасини эллик, сўнг юз бошга етказди. Ҳозирда унинг қўраси қорамолга тўла. Ҳар бирининг вазни 1-1,5 тоннадан ошади. Бу — ҳар бир новвосдан камида 500 килограммдан гўшт олиш мумкин, дегани.

**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

Хўш, қорамолни ана шундай парваришлашга эришишнинг сири нимада?

— Сири оддий, — дейди Юсуфжон. — Чорва эътибор билан парваришланса, у тез семиради. Муҳими, эринчоқлик қилмаслик зарур. Озуқасини, ем-хашагини ўз вақтида бериб туриш лозим. Яна қорамоллар тез-тез зооветеринария кўригидан ўтказиб турилиши керак. Шу билан новвос кунига 1-1,5 килограмм қўшимча вазнга эга бўлиб боради. Қарабсизки, бир кунда 100 та қорамолнинг вазнига ўртача 150 килограмм вазн қўшилади. Бу эса сизнинг даромадингиз.

— Уч-тўртта новвосни сотиб, пулига янги "Нексия" автомашинасини харид қилаётганлар бор бизда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Хўжаев. — Бугун ҳар бир хонадонда камида 10-15 бош қорамол парвариш қилинаяпти. Маҳалламиздан ҳар куни уч-тўртта юк машинасида бозорга мол олиб чиқилади. Шунинг ҳисобидан аҳоли турмуши янада фаровонлашиб, ҳудудимиз эса обод бўлиб бораяпти.

Томорқа деҳқончилиги — қишлоқдаги яна бир даромад манбаи. Бу борада Абдураҳмон Мансуровнинг оиласи кўпга ўрнак. Ушбу хонадон аъзолари енг шимариб ишлайди. Юзлаб қорамол парваришлаш билан бирга, томорқада тонналаб сабзавот етиштиради. Ҳали ҳосил йиғиштириб олинмаган картошкапояда маккажўхори ўстиришади. Маккажўхори ўриб олинган ерга қарасангиз, сабзими, турпми, ўсиб келаётганини кўрасиз. Оила шу йилнинг ўзида ўттиз сотих ердан ўн тонна картошка ҳосили олиб, бозорга чиқарди.

— Маҳалламизда бекорчи инсоннинг ўзи йўқ, — дейди маҳалла посбони Абдурашид Умидиллаев. — Ҳудудимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон. Яна бир эътиборли жиҳати, қишлоғимиздаги савдо дўконларида спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларини учратмайсиз. Негаки, аҳоли ўртасида бундай нарсаларга эҳтиёж йўқ. Ёшлар, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмайди. Муҳими, одамларимизнинг яшаш шароитлари кундан-кунга яхшиланиб бораяпти. Ана шундай ҳамжиҳатлик муҳитида камол топаётган фарзандлар истиқболидан кўнглимиз тўқ.

Ҳа, маҳалла кун сайин обод бўлиб бораяпти. Яна ҳам аниқроғи, бу манзилни ташаббускор инсонлар обод қилишмоқда. Зеро, ташаббус бор жойда тараққиёт, тараққиёт бор жойда эса фаровонлик бўлишининг ёрқин далилидир бу.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ФОРУМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Форумда юртимизнинг ижтимоий ҳимоя, таълим, ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари, педагоглар, психологлар, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар раҳбарлари, шунингдек, АҚШ, Арманистон, Буюк Британия, Исроил, Россия, Украина каби давлатлардан эксперт ва мутахассислар иштирок этди.

БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Анита Нироди, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал Ўзбекистонда ёш авлоднинг таълим олиши, маънавиятини юксалтириш, ижтимоий ҳимоялаш, жамиятнинг фаол аъзоларига айлантириш юзасидан салмоқли ютуқларга эришилганини, бу йўналишдаги эзгу ишлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ғ. Шоумаров, соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Парпиев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчиси А. Ҳаитов, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга билим ва тарбия бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш, ўз қизиқиши ва лаёқати, ижодий-интеллектуал салоҳиятига мос касб-ҳунар эгаллашида янгича тамойилларга, аввало, миллий анъана ва тафаккуримиз, жаҳон андозаларига асосланган ўзига хос мукаммал тизим яратилганини таъкидладилар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган асосий тамойиллар, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши жаҳон андозаларига мос таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий реабилитация масканларини, оилавий поликлиникалар, болалар спорт-соғломлаштириш мажмуаларини барпо этиш, ўғил-қизларга чуқур таълим-тарбия бериш, уларнинг саломатлигини муҳофазалаш, иқтидорини юзага чиқаришга яқиндан кўмаклашиш, таълимнинг навбатдаги босқичи билан қамраб олинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борадаги эзгу ишларда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси каби жамоат ташкилотлари томонидан ота-она қаровисиз қолган ўғил-қизларни ҳуқуқий, ижтимоий муҳофаза қилиш, Меҳрибонлик, Мурувват уйларига, уларда тарбияланаётган болаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ушбу тарбия масканларида фаолият кўрсатаётган мутахассис-кадрларнинг касб савия ва салоҳиятини янада юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Айни пайтда алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий, тиббий, психологик реабилитация қилиш, саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, билим ва кўникмаларини ошириш, таълимдан ташқари бўш вақтини тўғри, самарали ва унумли ташкил этиш, турли бадиий ижодиёт, фан, спорт тўгаракларига жалб этиш, муайян касб ва ихтисосликка йўналтириш, ҳунар ўрганиш учун яқиндан кўмаклашиш масалалари доимий эътиборда.

— Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида эришилган ютуқлар замирида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш каби кўплаб омиллар мужассам, — дейди Украинадаги «Every Child» ташкилоти раҳбари, ижтимоий ҳимоя соҳаси эксперти Владимир Кузьминский. — Мен дунёдаги кўплаб давлатларнинг ижтимоий ҳимоя тизими билан танишман. Ўзбекистонда аҳолини, жумладан, болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уй меҳнатини ривожлантириш, инновацион технологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш юзасидан ибратли ютуқларга эришилмоқда. Бу ютуқларни ҳар қанча ўрганса, арзийди.

Буюк Британиянинг Тиссайд университети профессори Терренс Мёрфининг таъкидлашича, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя, оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларнинг муваффақиятли натижалари кўплаб хорижлик экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистондек кўп миллатли мамлакатда олиб борилаётган ишлар самарадорлиги, изчиллиги, жадаллиги билан янада аҳамиятлидир.

Халқаро форумда юртимизда ижтимоий ҳимоя тизимидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишнинг янги имкониятлари, ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, узлуксиз таълим, меҳнат, бандлик, ижтимоий интеграция, ёшларни ишга жойлаштиришнинг долзарб масалалари, тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитациянинг ҳозирги ҳолати ҳамда асосий тараққиёт йўналишларига оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Тадбиркор ташаббуси

***Жиззах шаҳрилик тадбиркор Фотима Шодиева дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилган 50 хилдан зиёд ноёб гулларни иссиқхонада ўстириш ва кўпайтиришни йўлга қўйди.***

Ибрат

Ушбу ташаббус натижасида тадбиркор ўтган йили 18 миллион сўм даромад қилганди. Айни пайтда у ўз фаолиятини кенгайтириб, шаҳарнинг турли ҳудудларида гул дўконлари очди. Бу ерда алоза, фучсия, орлили, магиголд, даффодил сингари ноёб гуллар савдоси йўлга қўйилди.

Айтиш лозимки, тадбиркорнинг ташаббуси боис 14 киши доимий иш билан таъминланди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Истиқлол йилларида муҳтарам Юртбошимиз жасорати туфайли Ватанимизнинг турли гўшаларидан етишиб чиққан олиму уламолар, фозилу фузалолар номи тикланди. Мана шундай улуғ сиймолардан бири калом илмининг асосчиси Имом Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) ҳисобланади.***

# УЛУҒ СИЙМОЛАР ВА ҚАДРИЯТ

Ҳаёт фалсафасини қарангки, бундан қарийб 1140 йил муқаддам (870 йилда) еру заминнинг сайқали бўлмиш қадимий Самарқанднинг Хартанг қишлоғида ҳадис илмининг султони деган ўта шарафли мақомга мушарраф бўлган имом ал-Бухорий ҳазратлари вафот топиб, айни шу йили Самарқанднинг Мотурид маҳалласида Абу Мансур ал-Мотуридий дунёга келганлар.

Абу Мансур ал-Мотуридий калом илмида (бу илм, асосан, ақида, эътиқод, илоҳиёт масалалари билан шуғулланади) ўз даврининг беназир алломаси сифатида эътироф этилиб, унинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бешдан ошади.

Имом ал-Мотуридий, энг аввало, калом илми соҳасида том маънода тарихий ишлар қилган, ўзига хос мактаб яратган ва бу мактаб ўшандан буён унинг табаррук номи билан Мотуридия мактаби (йўналиши) деб юритилади. У шунингдек, фиқҳ илми ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган алломалардан бири.

Имом ал-Мотуридий яшаган IX аср охири ва X асрнинг бошларида исломий ғоялар жуда тараққий қилган. Эҳтимол шундан бўлса керак, ўша даврда исломий илмларда ҳурфикрлилик — ўз нуқтаи назари ва қарашларини далилларга таяниб, эмин-эркин ифода қилиш тамойили кучли бўлган. Бу ҳол эса, ўз навбатида, турли гуруҳларнинг ва ҳидоят йўлидан адашган оқим ҳамда тоифаларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлган эди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда Имом ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий қарашларида ақлий далилларга таянган ҳолда ислом дини ақидасининг софлигини ҳимоя қилиш ва ҳидоят йўлидан адашган оқимларга қарши кураш алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, Имом ал-Мотуридий Ҳанафия мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа ҳазратлари таълимотининг нафақат давомчиси, балки сунний йўналишдаги калом илмининг асосчиси сифатида шуҳрат қозонди. Мавриди келганда яна айтиб ўтиш лозимки, Имом ал-Мотуридийгача бўлган калом илми вакиллари фақат нақлга ва ҳадисларга таяниб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Имом ал-Мотуридий ижодини кузатар эканмиз, у икки асосий манбага — ақл ва нақлга таяниб иш тутганини кўрамиз. Бинобарин, муборак ислом таълимотида ҳам диний, ҳам дунёвий ишларда ўртача бўлишлик ғояси илгари сурилган. Шу ўринда Қуръони карим "Бақара" сурасининг 143-оятидаги: "Шунингдек, (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби) Сизларни ўрта (адолатли) бир миллат қилдик", деган ибораларни келтириш мумкин. Ёки бўлмаса, пайғамбаримизнинг кенг тарқалган "Хайр ул-умур авсотуҳо" ("Ҳар бир ишнинг ўртачаси яхши") деган ҳадислари ҳам айни шу мазмунга эга.

Имом ал-Мотуридий таълимотининг бутун дунё миқёсида, айниқса, мусулмон оламида кенг кўламда тарқалишида унинг шогирдлари ва издошлари ҳиссаси

Эъзоз

ниҳоятда катта. Аллома таълимотининг моҳиятини муфассал шарҳлаб, унинг том маънода муҳим бир таълимот сифатида эътироф этилишида улкан хизмат кўрсатган олимлардан бири, шубҳасиз, Абул Муъин ан-Насафий (1027-1114) бўлган. Ан-Насафий ўзининг "Табсират ул-адилла", "Баҳр ул-калом", "Китоб ул-тамҳид ли қавоид ат-тавҳид" асарларида Имом ал-Мотуридийнинг калом илми соҳасидаги таълимотини ҳар томонлама асослаб баён қилди, илмий далилларга таянган ҳолда унинг бутун моҳиятини муфассал равишда шарҳлади.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом ва фиқҳ илмлари соҳасидаги қарашлари унинг "Китоб ат-тавҳид" ва "Китоб таъвилот аҳл ассунна" асарларида баён этилган. Бу борадаги кўп қимматли маълумотлар алломанинг вафотидан кейин Мотуридия таълимотига бағишлаб яратилган қатор асарларда ҳам ўз ифодасини топган.

Билиш (маърифат) назарияси калом илми билан шуғулланган олимларнинг доимо диққат-эътиборида бўлган. Бу масала билан илмий асосда жиддий шуғулланган олимлардан бири ҳам Абу Мансур ал-Мотуридий бўлган. Унинг қаламига мансуб иккала йирик асар — "Китоб ат-тавҳид", "Таъвилот аҳл ас-сунна" билиш назариясига бағишланган. Айниқса, "Китоб ат-тавҳид" асари калом илмидаги билиш назариясига оид энг дастлабки манба бўлиб, унда ушбу масала ғоятда нафис услубда ифода этилади. Имом ал-Мотуридий таълимотига кўра, билишнинг уч асосий манбаи бор: ҳиссий (сезги аъзолари воситасида) билиш, нақл (ривоятлар воситасида, яъни Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида билиш) ва ақл-идрок воситасида билиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Имом ал-Мотуридийнинг "Китоб ат-тавҳид" ва "Таъвилот аҳл ас-сунна" асарлари буюк аллома меросини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга.

Буюк ватандошимиз, беназир аллома Имом ал-Мотуридий асарларида илгари сурилган ғоялар бугунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб. Улар нафақат илмий, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга. Шу маънода, 2000 йилда муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида чиқарилган қарор буюк аллома ҳаёти ва меросини ўрганишда том маънода тарихий аҳамиятга молик бўлган муҳим ҳужжат бўлди. Юбилей муносабати билан Самарқанд шаҳрида улуғ алломага салобатли ва бетакрор ёдгорлик мақбараси бунёд этилди.

Буюк аллома бундан қарийб ўн икки аср муқаддам илгари сурган эзгу ғоялар, бир томондан, инсон зотининг ўз хатти-ҳаракатлари олдида масъуллиги ва эътиқодий жавобгарлигини оширса, иккинчи томондан, инсон тафаккури, унинг ақл-идроки ва салоҳияти имкониятлари чексиз эканлигини кўрсатади. Шу боис алломанинг беназир таълимоти ҳозирги давримиз учун ҳам катта аҳамият касб этиб, ҳидоят йўлидаги эзгу ишларга муносиб ҳиссасини қўшиши, шубҳасиз.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Имом Бухорий халқаро марказининг директори, тарих фанлари доктори, профессор.**

***Мамлакатимизда спортнинг энг оммавий турларидан бири — футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, болалар ва ўсмирлар футболи равнақи йўлида фахрланса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 январдаги "Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантириб юборди.***



# ФУТБОЛИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

## истеъдодларни аниқлаш, тарбиялаш ва маҳоратини оширишга боғлиқ

— Ушбу қарорга мувофиқ, "Бухоро" профессионал футбол клубига қарашли 3-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари футбол мактаби мақомини олдик, — дейди мазкур муассаса раҳбари Иброҳим Шарипов. — Президентимизнинг бу борадаги мададини доимо ҳис қилиб турибмиз. Мактабимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун давлатимиз томонидан бизга 300 миллион сўм миқдорида маблағ ажратиб берилгани фикримиз тасдиғидир.

Иброҳим аканинг сўзларига кўра, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ғамхўрлик етарли. Энди асосий гап билдирилган ишончни оқлашда. Стадионга келган футбол мухлисини нима қизиқтиради? Аввало, чиройли ҳамда мазмунли ўйин. Қолаверса, жамоасининг ғалабаси. Халқаро майдонлардаги муваффақиятлар эса ишқибозларга икки карра кўпроқ завқ ва ғурур бағишлайди. Бунга эришишнинг асосларидан бири, шубҳасиз, ёш иқтидорларни аниқлаб, спортга жалб қилиш, малакали мутахассислар қўли остида тарбиялаб, маҳоратини оширишдир. Бу тизимнинг мунтазамлигини таъминлаш футбол клублари захирасининг доимо янги истеъдодлар билан тўлиб боришига, жамоалар ўртасидаги рақобатнинг кучайишига, чемпионатимиз савиясининг эса янада юксалишига хизмат қилади. Ҳаётга татбиқ этилган қарорнинг асл моҳияти ҳам мана шунда.

Қарор ва ижро

— Президентимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам", деган сўзлари ҳамиша ёдимизда туради, — дейди сўзини давом эттириб И. Шарипов. — Маълумки, футболда руҳий устунлик ғалаба йўлидаги муҳим асослардан биридир. Шунинг учун ҳам ёшларимизга сабоқ бераётганда фақат жисмоний машқларга эмас, балки улар қалбида Ватан туйғусини шакллантиришга, ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлашга ҳам эътибор қаратамиз. Агар яшил майдонга қадам қўйган футболчи унинг ортида мухлислари, бутун мамлакати умид билан қараб турганини қалбан ҳис қила олса, масъулиятни сеза билса, ўйлайманки, бундай жамоани енгиш осон кечмайди.

Дарвоқе, мактабда бўлган пайтимиз бу ерда собиқ "пахтакорчи"лар — Равил Агишев ҳамда Владимир Собиров хотирасига бағишлаб турнир ўтказилаётган экан. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам илк сабоқларни шу даргоҳда олишганлигини айтишди. Футбол мухлисларига яхши таниш Элдор Магдеев ва Шавкат Саломов ҳам мазкур мактаб тарбияланувчиларидир.

— Қобилиятли ёшларимиз кўп, — дейди мактаб бош мураббийи Ғолиб Казаков. — Биз улар истеъдодини юзага чиқариш йўлида бор куч-ғайратимизни ишга солаяпмиз. Янги бино барпо этилиб, замонавий ечиниш, ювиниш хоналари, кинозал ишга тушгач, имкониятларимиз янада кенгаяди.

— Машғулотларга биз учун ажратилган янги автобусда қатнаяпмиз, — дейди ўзини Азизбек Фатуллаев деб таништирган бола. — Ўн ёшдаман. Бир йилдан буён шу ерда футбол билан шуғулланаяпман. Ҳужум чизиғида ўйнашни ёқтираман. Мақсадим, Миржалол Қосимов, Александр Гейнрих каби маҳоратли футболчи бўлиб етишиш.

Мактабнинг Олот ва Бухоро туманларида филиаллари бор. Ҳозир жами 31 та гуруҳда турли ёшдаги 446 нафар бола "миллионлар ўйини" билан шуғулланмоқда. Улар орасида бир қатор турнирларда шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилиб, илк ғалаба нашидасини сурганлари оз эмас. Чунончи, мактабнинг 1997-98 йилларда туғилган болалар жамоаси яқинда халқаро турнир ғолиби бўлди. Вилоят болалар лигаси ҳамда Самарқандда ўтган турнирда ҳам мактаб жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

— Футболчининг имкониятлари кучли рақиблар билан майдонга тушганида яққол кўзга ташланади, — дейди Иброҳим Шарипов. — Шу боисдан республика ва халқаро миқёсдаги турнирларда тез-тез иштирок этиш фойдадан холи эмас. Бу тажриба тўплаш, маҳоратни ошириш нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим.

...Мактабдан қайтаётиб, майдонда машғулот ўтказаётган болаларга разм солдик. Барчаси машқларни рисоладагидек бажаришаяпти, тўп билан муомаласи яхши, ҳаракатлари дадил.

— Футболни жон-дилимдан яхши кўраман, келгусида Ўзбекистон терма жамоасида ўйнашни ният қилганман, — дейди улардан бири, ўн ёшли Асрор Икромов.

Яхши ният — ярим давлат. Спортга эътибор шу қадар ошган паллада биз ҳам ана шундай эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишига чин дилдан ишонамиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ОБ-ҲАВО

(27 ноябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ атрофида, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Жойларга туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Айрим жойларга туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 0-2 даража илиқ, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Наманган вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2009 йил 15 декабрь куни ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилади:**

**1.** Уйчи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2009 йил 6 февралдаги 16-0905-273-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Уйчи тумани, «Машад» ҚФЙ, «Саноат» МФЙ ҳудудида жойлашган сут-товар фермаси бино ва иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 146 259 864 сўм.**

**2.** Уйчи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 29 июлдаги 16-0605-4440-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Уйчи тумани «Бош пиллахона» МЧЖга қарашли, «Жийдакапа» ҚФЙ ҳудудида жойлашган мужассам ҳолдаги пилла қабул қилиш пунктининг умумий бино ва иншоотлари (умумий ер майдони — 10070,5 кв.м., қисман таъмирталаб).

**Бошланғич баҳоси — 121 965 765 сўм.**

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933850.

Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават.
Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.
www.rkmb.uz

*Лицензия: DB 001 № 000004.*


«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 1 декабрь, сешанба куни чиқади.

### 1 декабрь — Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

# СОҒЛОМ ЯШАШ КАФОЛАТИ

***Пойтахтимизда Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.***

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда ОИТС хасталигига қарши курашиш масаласи дунё миқёсида долзарб аҳамият касб этмоқда. Негаки, 2008 йилнинг якуний таҳлилларига кўра, жаҳонда ОИТС хасталигига чалинганлар 33,2 миллиондан ошган. Мамлакатимизда ушбу хасталик тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, касалликка қарши курашишни ташкиллаштиришнинг ягона тизими жорий этилди. Айни пайтда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси иш олиб бормоқда.

Таъкидлаш ўринлики, республикамизда ОИТС хасталигининг олдини олишга қаратилган қатор профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Республика ОИТСга қарши кураш маркази ва унинг мавжуд 14 та филиали замонавий диагностика асбоблари билан тўлиқ жиҳозланган.

Ҳозирда Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Вирусология илмий тадқиқот институти ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ОИВ инфекциясини юқтирган беморларда антиретровирус муолажасини қўллаш имкони мавжуд. Бундан ташқари, ҳудудлардаги юқумли касалликлар шифохоналарида ҳам касалликни аниқлаш ва муолажалар қўллаш учун махсус ўринлар ажратилган. Республика ОИТС марказида эса хасталикнинг оғир ва асоратли босқичларини даволовчи ихтисослаштирилган клиника фаолият кўрсатмоқда. Ушбу шифохоналарда беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ОИВ инфекцияси онадан болага ўтишининг олдини олиш ва бошқа профилактик тадбирлар юзасидан хорижлик мутахассислар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Анжуманда ОИТС хасталигига қарши кураш олиб бориш нафақат мутасадди ташкилотнинг ёхуд шифокорнинг, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси эканлигини аҳоли орасида кенг тушунтириш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

**М. АНВАРОВА.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.10 1 2 4 5